

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ КРЕДИТЛАШГА ОИД ТЕЗ-ТЕЗ
БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР ВА УЛАРГА МУТАХАССИС
ЖАВОБЛАРИ**

т/р	Саволлар	Жавоблар
1.	Пахта ва ғалла имтиёзли кредити нима учун ажратилади?	Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла ҳосили етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадлари учун ажратилади.
2.	Пахта ва ғалла имтиёзли кредитлар неча фоизлик устама билан берилади?	Пахта ҳосили учун 3%. Шундан, 2% банк маржаси, 1% жамғарма маржасини ташкил қилади. Ғалла ҳосили учун 5%. Шундан, 2% банк маржаси, 3% жамғарма маржасини ташкил қилади.
3.	Пахта ва ғалла имтиёзли кредитни қайси мақсадларга йўналтиришим мумкин?	Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 14 апрелда тасдиқланган 1675-ниҳом ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан бериладиган тавсияга мувофиқ ҳосил етиштириш учун талаб қилинадиган иш ҳақи ва унга тегишли ажратмаларни тўлаш учун, минерал ўғит ва ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситаларини харид қилиш учун, ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини харид қилиш учун, МТПлар, муқобил МТПлар, фермер хўжаликлари, "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти, "Ўздонмаҳсулот" АК ва "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналар ҳузурида фаолият юритаётган муқобил МТП масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда қишлоқ хўжалик техникаси мавжуд бўлган бошқа хўжалик субъектларининг хизматлари учун тўловларга, лизингга (молиявий ижарага) берилган техника воситаларининг лизинг тўловларига, СИУлар (сув истеъмолчилари уюшмалари) хизматлари учун тўловларга, ягона ер солиғи тўловларига, электр энергияси тўловларига, уруғлик учун тўловларга йўналтириш мумкин.
4.	Пахта ва ғалла имтиёзли кредити қанча миқдоргача берилиши мумкин?	Кредитлар давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла қийматининг 60 фоизигача (тайёрлов корхонаси томонидан бўнак тариқасида етказиб берилган уруғлик қийматини инобатга олган ҳолда) миқдорида берилади.
5.	Пахта ва ғалла имтиёзли кредитни қайтариш муддати қанча?	Кредитлар тегишли қишлоқ хўжалик маҳсулоти бўйича қишлоқ хўжалик корхоналари билан якуний ҳисоб-китоблар яқунлангунча, лекин ғалла етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича 12 ойдан ва пахта хом ашёси етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича 18 ойдан кўп бўлмаган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади.

6.	<p>Қишлоқ хўжалиги корхоналарига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадлари учун кредитлар қайси тартибга асосан берилади?</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 14 апрелда 1675-сон билан рўйхатга олинган Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ асосан амалга оширилади.</p>
7.	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси молиявий агенти (АТБ Агробанк)нинг вазифалари.</p>	<p>Жамғарманинг молия агентига махсус очиладиган мақсадли ҳисобварақлар орқали давлат хариди учун етказиб бериладиган маҳсулотларга, шу жумладан замонавий, юқори ишлаб чиқариш қувватига эга қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг шартларида етказиб беришга ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши ва ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши, шунингдек Жамғарманинг тегишли маблағларини ва тегишли комиссия тўловларининг белгиланган муддатларда қайтарилиши юзасидан назорат ўрнатиш вазифаси юкланади.</p>